

кўрсатилган хизматлар) эвазига иш берувчилар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсларга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан аниқланади.

Хулоса. Компенсацион пакет ва маънавий мукофотлаш биргаликда компенсация тизими деб аталади. Иш ҳақи тизимлари асосида компаниялар, банклар қанчалик мумкин бўлса, ишлаб чиқадилар, мукофотлар пакети қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- биринчидан, у ишчи хоҳлайдиган ва кадрлайдиган ва иш берувчи ишчининг компания миссиясини бажаришдаги ҳиссаси ҳақидаги таклиф ўрнига бажаришни хоҳлайдиган ёки бажариши мумкин бўлган ҳамма нарсадан иборат бўлиши лозим;

- иккинчидан, уларнинг рақиблари ёки ходимлари муқобил иш сифатида қарайдиган, улар ишга боришлари мумкин бўлган компаниялар компенсацион пакети мазмунига эътибор қаратиш лозим;

- учинчидан, доимо ходимларга уларнинг компаниядаги касбий фаолияти вақтида таъсир кўрсатадиган омилларнинг кенгайтирилган “ташкилий қўллаб-қувватлаши”, шу жумладан: меҳнат шароитлари ва ишни ташкил қилиш, жамоадаги ўзаро муносабатлар ва бевосита рақобатлар билан муносабатлар, касбий ривожланиш имкониятлари ва ҳ.к. лар.

Ўзбекистондаги компаниялар фаолиятида компенсацион стратегиялардан фойдаланиш гуманистик, ижтимоий йўналтирилган ва оқилона бозор амалиётини яқинлаштириш учун фундаментал асос ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//www.president.uz
2. Актуальные проблемы современного менеджмента и социально-информационных технологий: Материалы конференции молодых учёных. –М.: МГУКИ. 2017.
3. Актуальные проблемы социокультурного менеджмента: Сб. науч. тр./Науч. ред. В. М. Чижиков, Г. Н. Новикова. М.: МГУКИ, 2012. 153 с.
4. Александрова, А.В. Стратегический менеджмент: Учебник / Н.А. Казакова, А.В. Александрова С.А. Курашова, Н.Н. Кондрашева -М.: НИЦ ИНФРА-М, 2014. - 320 с.
5. Акмаева, Р.И. Инновационное управление малым бизнесом в науке и технике: Учебное пособие / Р.И. Акмаев - РН / Д: Феникс, 2019. - 541 с.
6. Варламова, Т.П. Менеджмент: Учебник / Т.П. Варламов, М.А. Варламов. - М.: Дашков и К, 2019. - 304 с.
7. Гаврилова, А.Н. Менеджмент: Учебник / А.Н. Гаврилова, Е.Ф. Сысоева А.И. Барабаны - М.: КноРус, 2018. - 432 с.
8. Герасименко, А. Менеджмент прост: базовый курс для менеджеров и новичков / А. Герасименко. -М.: Альпина Паб., 2019. - 531 в.
9. Коротков, Е.М. Основы менеджмента: Учебное пособие / И.Ю. Солдатов Е.М. Коротков; Издание И.Ю. Солдатова М.А. Чернышев -М.: Дашков и К, Академцентр, 2018. - 272 с.
10. Соколова, О. Н. Менеджмент: Учебное пособие / О.Н. Соколова - М.: КноРус, 2019. - 208 с.
11. Фридмен М. Методология позитивной экономической науки. Т2.-М.: Экономика. 1994. - С. 54-55.
12. Шекова Г.Л. Тульчинский, В.Н. Евланов. - СПб.: Лан, Планета музыки, 2019. - 160 с.
13. Тебекин А.В. Инновационный менеджмент: учебник для бакалавров / А.В. Тебекин - М: Юрайт, 2014. - 476 с.
14. Шекова Е.Л. Культурный менеджмент и маркетинг: Практикум: Учебное пособие / Э.Л. Шекова Г.Л. Тульчинский, В.Н. Евланов. - СПб.: Лан, Планета музыки, 2013. - 160 с.
15. Экономическая теория (политэкономия): Учебник/Под ред. проф. Г. П. Журавлевой, - 5-е 1нд. -М.: ИНФРА-М, 2011.-С. 58.
16. Якобсон А.Ю. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / А.Я. Якобсон -М.: Омега-Л, 2015. - 176 с.
17. www.stat.uz



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Юнусова Севара Бахтиёр қизи -

Тошкент молия институту, катта ўқитувчи

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a2

Аннотация: Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат-хусусий шериклиги механизми олимларнинг, экспертларнинг, етакчи халқаро ташкилотларнинг кун тартибида турган долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Мақолада давлат-хусусий шериклик механизмини тадқиқ қилган олимларнинг қарашлари ва муаллиф томонидан тузилган ДХШ механизми модели таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклиги, инфратузилма, етакчи олимлар, ДХШ механизми, давлат шериги, хусусий шерик.

СУЩНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ
В РЕАЛИЗАЦИИ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ

Юнусова Севара Бахтияровна -
Ташкентский финансовый институт,
старший преподаватель

Аннотация: Исследования показывают, что механизм государственно-частного партнерства является одной из актуальных тем, стоящих на повестке дня ученых, экспертов, ведущих международных организаций. В статье проанализированы взгляды ученых, исследовавших механизм государственно-частного партнерства, и сформулированная автором модель механизма ГЧП.

Ключевые слова: Государственно-частное партнерство, инфраструктура, ведущие ученые, механизм ГЧП, государственный партнер, частный партнер.

THE ESSENCE OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND ITS IMPORTANCE IN THE
IMPLEMENTATION OF INFRASTRUCTURE PROJECTS

Yunusova Sevара Bakhtiyor kizi -
Tashkent Financial Institute
Senior Lecturer

Abstract: Research shows that the mechanism of public-private partnership is one of the topical issues on the agenda of scientists, experts, leading international organizations. The article analyzes the views of scientists who have studied the mechanism of public-private partnership, and the model of the PPP mechanism formulated by the author.

Key words: Public-private partnership, infrastructure, leading scientists, PPP mechanism, public sector, private sector.

Кириш. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини самарали амалга ошириш, мамлакат ижтимоий инфратузилмасини яхшиланишида катта рўл ўйнамоқда. Бу борада ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан десак муболаға бўлмайди.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам ўта зарур инфратузилма лойиҳаларига сарфлаши мумкин бўлган маблағлари чекланган, хусусий сектор капитали ва тажрибасини тадқиқ қилиш орқали мамлакат йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириши ва шу билан бирга бизнес муҳити ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаши мумкин. Ўзбекистонда ДХШ механизмнинг асосий мақсади – инфратузилма лойиҳаларида хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантиришга қаратилган замонавий сиёсат ҳамда аниқ белгиланган ҳуқуқий ва институционал асосларни яратишдир.

Адабиётлар таҳлили. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат-хусусий шериклиги механизми олимларнинг, экспертларнинг, етакчи халқаро ташкилотларнинг кун тартибида турган долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, “давлат-хусусий шериклиги”нинг умум қабул қилинган таърифи ҳам ҳали мавжуд эмас. ДХШ турли халқаро молия ташки-

лотлари, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади.

“Давлат-хусусий шериклиги” тоифасидаги замонавий тушунчанинг назарий асослари ХХI аср бошига тўғри келади. Буюк Британияда Давлат сиёсатини тадқиқ этиш институтининг (Institute for public policy research) илмий маърузаси доирасида “Давлат-хусусий сектор шериклиги – бу ўзаро манфаат ва хавфларни тақсимлаш асосида юзага келган давлат ва хусусий сектор вакилларининг ўзаро муносабатлар мажмуи бўлиб, унинг мақсади моддий шаклдаги ёки давлат хизмати тақдимоли шаклидаги келишилган натижага эришишдир” деб баён этилади[1].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (IHRT) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ[2].

Дунёда давлат-хусусий шериклигини биринчилардан бўлиб кенг тадқиқ қилган хорижлик олим Э.Р.Йескомбининг фикрича “ДХШ – бу давлат сектори томонидан инфратузилма объектларини сотиб олишнинг (давлат харидлари)

муқобил шакли бўлиб, давлат қарз маблағлари ёки солиқ тушумларидан молиялаштирилади” [3]. Хорижлик олим ушбу таърифда ДХШ асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутади.

Хорижий олим, Буюк Британияда ДХШ маркази бошқарувчиси М.Б.Герард, ДХШни – давлат ва хусусий сектор хўжаликлари доирасида, миллийлаштирилмаган ҳамда хусусийлаштирилмаган кўринишда ташкил қилиниши ва фаолият юритиши ҳақида айтиб ўтади. Сиёсий жиҳатдан ДХШ аҳолига жамоат хизматларини кўрсатишининг янги учинчи усулини намоён қилади деб таъкидлайди [4]. Бу ерда олим давлат инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда давлат хариди ва хусусийлаштиришга учинчи усул сифатида ДХШ ни кўрсатади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Н.А.Юсупов, Ф.Э.Карабаев, Н.Н.Обломуродовлар фикрича: “ДХШ бу фақат давлат томонидан ёки хусусий шерик томонидан кўрсатилган хизматларнинг анъанавий тизимига муқобил кўринадир. ДХШнинг тўғри ёндашувида, авваллари хусусий сектор томонидан маҳаллий, худудий ёки халқаро даражада фойдаланмаган ресурслари йўналтирилади” [5].

У.И.Джуманиязов фикрича “Давлат-хусусий шериклиги – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни қуриш ёки шу асосдаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир [6]. Н.Ш.Шавкатов “Давлат-хусусий шериклиги – бу илмий-тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир” деб ҳисоблайди [7].

Юқоридаги таърифлардан умумий хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ДХШ – бу давлат томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ошириш, турини кўпайтириш, ушбу хизматлар учун ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оптималлаштириш мақсадида инфратузилма объектларига хусусий сектор (якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ва юридик шахслар бирлашмаси)ни жалб қилиш орқали томонларнинг маълум муддатга юридик жиҳатдан ҳамкорликдаги фаолиятидир.

Тадқиқот методологияси. Давлат-хусусий шериклигининг хориж тажрибаси ва Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик амалиётни такомиллаштиришда қўллаш бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, синтезлаш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Хусусий секторни ривожланиши ва инвестицияларни жалб қилиш бугунги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантириш билан бир қаторда давлат ўз вазифаларини бажаришда ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши керак. Шу боис давлат-хусусий шериклик амалиёти халқаро миқёсда ўрганилмоқда. Мамлакатимиз хусусий сектордан инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган давлат-хусусий шериклик амалиётини шакллантиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари кўламини кенгайтириш ва бундай лойиҳаларни самарали амалга ошириш зарур [8].

“Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги” атамаси инфратузилма ва бошқа хизматлар доирасида давлат ва хусусий субъектлар ўртасидаги мумкин бўлган муносабатлар жараёнини тасвирлайди. Ушбу муносабатлар жараёнига “давлат хариди”, яъни хусусий шерикнинг давлат лойиҳаларидаги иштирокини, “хусусийлаштириш” ёки халқаро молия ташкилотларининг давлат инфратузилма лойиҳаларидаги иштирокини ҳам киритишимиз мумкин. Бироқ давлат-хусусий шериклик (ДХШ) жараёнида давлат ижтимоий мажбуриятларни бажариш ва соҳани муваффақиятли ислоҳ қилиш ҳамда давлат инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хусусий секторни жалб қилган ҳолда томонлар ролини аниқлаштиришни ифодалайди.

Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги энг мукамал ҳамкорликда, томонлар ўзаро вазифаларни, мажбуриятларни ва рискларни оптимал тарзда тақсимлайди. ДХШ лойиҳасида давлат шериги бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек ваколат берилган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари ҳисобланади. Хусусий шерик эса - маҳаллий ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмасидир. Давлат ва

хусусий шерик муайян вазифаларни бажариш жараёнида бир-бирига нисбатан маълум афзалликларга эга бўлса, ушбу ҳамкорлик самарали ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида давлат томонидан қўшиладиган ҳисса хусусий шерик мажбуриятлари орқали қопланади ва аниқ самарадорлик кўрсаткичлари билан белгилаб қўйилади. Анъанавий шаклдаги давлат-хусусий шериклиги - бу қурилиш, молиялаштириш, модернизация, эксплуатация ва хизмат кўрсатиш ва бошқа услубларни ўз ичига қамраб олади. Давлат ижтимоий янги (ёки мав-

жуд) инфратузилма объектини (масалан, тиббиёт маскани, йўл, боғча, мактаб ва ҳ.) лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, ишга тушириш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича харидларни режалаштираётганини эълон қилади ва сармоядорларни тендерга таклиф этади ёки хусусий шерик ўз ташаббуси билан чиқиб, давлат шериги билан маълум инфратузилма лойиҳасида иштирок этиш нияти борлигини билдиради ва тендер жараёнларида иштирок этади. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг схемасини қуйидаги 1-расмда кузатишимиз мумкин.



1-расм. ДХШнинг амалга ошириш схемаси

Танловда ғолиб бўлган хусусий компания билан харидларни амалга оширмақчи бўлган давлат ташкилоти билан шартнома имзоланади (№1). Одатда ҳукумат шартномани компания билан ёки компаниялар гуруҳи (консорциум) билан шартнома имзолашга келишганда, консорциум махсус лойиҳа компанияси (SPV) (SPV (инг. special purpose vehicle) – маълум бир лойиҳаларни амалга ошириш ёки маълум бир мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган махсус лойиҳа компанияси ёки лойиҳа компанияси)ни ташкил этади ва шартнома имзолангандан сўнг консорциум аъзолари акциядорлик битимини имзолайдилар (№1а). Хусусий шерик давлат шеригига шартнома шартлари асосида хизмат кўрсатади. Давлат ташкилоти хусусий шерик

билан яратган лойиҳасини махсус ташкилотларга баҳолатиш учун улар билан шартнома имзолайди (№2) ва тақдим этади. Лойиҳа баҳолангандан сўнг Молия вазирлиги қошидаги ДХШни ривожлантириш агентлигига юборилади ва агентлик ўзининг тегишли хулосаларини беради. Хусусий шерик (ёки махсус лойиҳа компанияси) лойиҳани тўлиқ ёки маълум қисмини молиялаштиради (капитални жалб қилади), лойиҳани амалга ошириш учун кредит ташкилотлари билан шартномалар имзолайди (№3), иншоотни қуриш (ёки модернизация қилиш) ва бутун ҳаётий цикл давомида ушбу объектни бошқариш учун пудратчилар ва субпудратчилар билан шартномалар имзолайди (№3а, №3б).

ДХШ асосида инфратузилма активларининг харидларини амалга ошириш мумкин бўлган соҳалар[10]

Соҳалар ва тармоқлар	Мисоллар
Иқтисодий→транспорт→йўллар	<ul style="list-style-type: none"> • Янги йўллар/шосселар • Тунеллар ёки мостлар учун муайян лойиҳалар • Кириш йўллари (мисол учун, портларга) • Йўл ва тармоқларни модернизация қилиш ва кенгайтириш
Иқтисодий→транспорт→темир йўллар	<ul style="list-style-type: none"> • Юқори тезликдаги темир йўллар • Оддий темир йўллар • Юқори тезликдаги тўғридан-тўғри алоқа линиялари (масалан, аэропортлар билан) • Метро ва бошқа жамоат транспорти лойиҳалари • Чипта сотиш ва тўловларни йиғиш тизимлари • Метрополитен станциялари
Иқтисодий→транспорт→шаҳарсозлик инфратузилмасининг бошқа транспорт йўллари	<ul style="list-style-type: none"> • Тезкор автобус хизмати инфратузилмаси • Машиналар тўхташ жойлари (Парковка) • Интермодал ўтиш станциялари
Иқтисодий→транспорт→портлар ва аэропортлар	<ul style="list-style-type: none"> • Янги ёки модернизациялашган аэропортлар • Янги ёки модернизациялашган портлар
Иқтисодий→сув таъминоти ва маъиший чиқиндилар утилизацияси	<ul style="list-style-type: none"> • Сув тозалаш қурилмалари • Сув тозалаш иншоотлари • Комплекс сув таъминоти билан боғлиқ концессия • Чиқиндиларни бошқаришнинг ягона тизимлари • Чиқиндиларни қайта ишлаш заводларидаги энергия ресурслари – чиқиндиларни ёқиш қурилмалари
Иқтисодий→энергетика	<ul style="list-style-type: none"> • Электр энергиясини сотиб олиш шартномалари асосида иш олиб борувчи мустақил электр ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш қуввати • Электр узатиш линиялари • Газ қувурлари • Энергия самарадорлиги (масалан, жамоат биноларида ёки шаҳар ёриткичлари)
Иқтисодий→ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)/телекоммуникациялар	<ul style="list-style-type: none"> • Оптик толалари алоқа линиялари ёки тармоқлар • Телекоммуникация тармоқлари/кенг қўламли тармоқлар
Иқтисодий→туризм	<ul style="list-style-type: none"> • Миллий боғлар • Маданий меросга тегишли бинолар
Иқтисодий→қишлоқ хўжалиги	<ul style="list-style-type: none"> • Дон маҳсулотларини сақлаш соҳасидаги ДХШ • Ирригация (суғориш) лойиҳалари
Ижтимоий→соғлиқни сақлаш, таълим, хавфсизлик/қамоқхоналар, судлар/судлар органлари, ижтимоий уй-жойлар	<ul style="list-style-type: none"> • Касалхоналар • Талабалар турар жойлари • Университет объектлари • Мактаб объектлари • Суд биноси • Қамоқхона объектлари • Ижтимоий уй-жой
Ижтимоий (бошқалар)→спорт, фавқулудда вазиятлар ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, давлат турар жой бинолари	<ul style="list-style-type: none"> • Спорт марказлари / жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуалари • Ёнғин қисмлари • Милиция идоралари • Давлат ташкилотлари
ДХШ учун бошқа салоҳиятли соҳа ва тармоқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Мудофаа • Харбий объектлар • Миллий чегара хизмати пунктлари ёки объектлари

Акциядорлар, кредит ташкилотлари лойиҳани амалга ошириш учун пул маблағларини тақдим этадилар (№4, №4а); хусусий шерик эса объектни куриш (ёки модернизация қилиш) учун пудратчиларга тўловларни амалга оширади (№ 4б).

ДХШ лойиҳаси бўйича объект ишга тушгандан сўнг лойиҳанинг молиявий хусусиятига кўра хусусий шерик (ёки махсус лойиҳа компанияси) истеъмолчилардан фойдаланганлик учун тўловларни йиғиб олади (№5) ёки объектдан эркин фойдаланиш учун давлат хусусий шерик (ёки махсус лойиҳа компанияси)нинг

барча харажатлари, кредит фоизлари ва даромадларини ўз ичига олган ойлик (ёки йиллик) унитар тўловларни амалга оширади (№5а).

Хусусий шерик (ёки махсус лойиҳа компанияси) кредит ташкилотларига умумий тўловларни (№6) ва акциядорларга дивиденд тўловларини (№6а) амалга оширади.

Давлат ва хусусий компания ўртасида тузилган шартнома муддати якунида ундаги шартларга кўра объект ё давлатга топширилади, ё хусусий компания қўлида қолади.

ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа объекти бўлиб асосан инфратузилма объектлари иштирок этишини инobatга олсак, инфратузилма ўзи нималигини билиш муҳим ҳисобланади. Инглиз тилидаги Оксфорд луғатида инфратузилма атамасига қуйидагича таъриф берилган: корхоналар ва жамият фаолияти учун керак бўладиган бино-иншоотлар, йўллар, электр энергия тизими каби асосий жисмоний ёки ташкилий тузилмалар ва объектлар ҳисобланади[9].

Демак, ДХШ асосида инфратузилма активларининг харидларини амалга ошириш мумкин бўлган соҳалар асосан икки турга бўлинар экан: иқтисодий ва ижтимоий. Иқтисодий соҳаларга асосан транспорт, сув таъминоти, маиший чиқиндиларнинг утилизацияси, энергетика, АКТ, туризм, қишлоқ хўжалиги кабиларни киритсак, ижтимоийга соғлиқни сақлаш, таълим, ҳавфсизлик, судлар, ижтимоий уй-жойлар, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларни киритишимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришда инновацион механизм бу давлат-хусусий шерикли-

ги ҳисобланади. Ушбу механизмнинг мамлакатимизда ташкил топганига кўп бўлмаган бўлсада, бугунги кунда ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига эга ва давлат ташкилотлари ҳамда хусусий шериклар ўртасида катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган таҳлилларимиздан ва қуйида санаб ўтадиган таклифларимиздан мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик соҳасини ривожлантиришда, қонунчилик базасини мустақкамлашда, тендер савдоларини ўтказишда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тузиш ва бошқаришда алоҳида эътибор берилса, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларимизнинг самарадорлиги янада юқори бўлади:

❖ Қиймати 10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган катта лойиҳаларга хусусий шерикларни жалб қилишда давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағлар ажратиш тизимини жорий қилиш;

❖ ДХШ лойиҳасининг концепциясига кўра лойиҳада даромадлар фойдаланганлик учун тўловларни кўзда тутса ва бу тўловлар минимал даромадни қоплай олмаса ёки хусусий шерик айрим фуқароларга давлат томонидан тақдим этилган имтиёзларни қўллаш натижасида фойда ололмаса, давлат томонидан хусусий шерикни қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан субсидиялар ажратиш тизимини жорий қилиш;

❖ Хусусий инвесторларнинг 100% ўз маблағлари билан кирмаса, бюджет тизими бюджет маблағларидан тижорат банклари кредит линиялари орқали хусусий шерикка имтиёзли тарзда кредитлар ажратиш ва х.к.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. https://www.ippr.org/files/images/media/files/publication/2011/05/cppp_1234.pdf
2. *Практическое руководство по вопросу эффективного управления в сфере государственно-частного партнерства [Электрон. ресурс] / ЕЭК ООН.- Женева, 2008 г. – Режим доступа: http://www.unecce.org/ceci/publications/ppp_r.pdf. – Дата доступа: 25.08.2017.*
3. *Государственно-частное партнерство: Основные принципы финансирования / Э. Р. Йескомб; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблшер, 2015. — 457 с. С. 24*
4. *Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38. № 3.P.107*
5. *Н.А.Юсупов, Ф.Э.Карабаев, Н.Н.Обломуродов “Теория и практика государственно-частного партнерства” учебный модуль. Ташкент-2013. С.6*
6. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/32_U_Djumaniyazov.pdf 9 - бем.
7. *Шавкатов Н.Ш. “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари молиявий самарадорлиги таҳлили”.\|Иқтисод ва Молия / Экономика и Финансы 2020, 4(136) 2-бем*
8. *Yunusova Sevara Bakhtiyor kizi. (2021). SYSTEM OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP FINANCING OF INFRASTRUCTURE PROJECTS. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 7(12), 255–259. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/G28ZR>*
9. <https://vocabulary.ru/termin/infrastruktura.html>- Россия Федерациясининг миллий энциклопедик хизматлари сайти
10. <https://pppknowledgelab.org/sectors>